



БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ҚОНУН ВА ШАРҲ

Ўз ишини йўлга қўяман, деган одамга ҳеч қандай тўсиқ бўлмайди

■ Олий Мажлис Сенатининг жорий йил 6-7 август кунлари бўлиб ўтган ялпи мажлисида мамлакатимизда социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни янада чуқурлаштиришга ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришга қўмаклашадиган бир қатор қонунлар кўриб чиқилиб, маъқулланди. Шулардан бири «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонундир.



Аввало, шуни таъкидлаш кераки, мазкур қонун мамлакатимизда кичик бизнес кафолатлари янада мустаҳкамланишида, аҳолининг бандлик даражаси ошишида долзарб аҳамият касб этади.

Ҳар қандай мамлакатнинг бугуни ва келажаги бевосита иқтисодий барқарорликка бориб тақалади. Иқтисодий жиҳатдан бақувват давлатда тарақ-

қиёт тезлашади, соҳалар ривожланади ва аҳоли яхши шaroитларда меҳнат қилиб, турмуш кечиради. Шу боис мамлакатимизда иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, бу борада ислохотларни янги ва янада юқори босқичга олиб чиқишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

► Давоми 2-бетда.

ТАДБИР

Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?

■ Юқори Чирчиқ туманидаги «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғинида мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Туман ҳокимлиги, ЎзХДП туман кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими ҳамда «Янгибозор» кўрғон фуқаролар йиғини ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда депутатлар, партия ва маҳалла фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

— Бугунги кунда юртимизнинг барча гўшаларида байрам шукухи кезиб юрибди, — дейди халқ депутатлари Юқори Чирчиқ туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси, «Нозима люкс сервис» хусусий корхонаси раҳбари Гулчехра Ўтбосарова. — Гузарларимизда, кишлоқ ва маҳаллаларимизда, хиббону кўчаларимизда олиб борилаётган ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларидан кишининг қалби қувнайди. Жойларда «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним» шiori остида ўтказилаётган тадбирлар, давра суҳбатлари, уч-

рашувлар юртдошларимиз кайфиятига янада кўтаринкилик бахш этапти. Бу ўзгаришларга қараб туриб, яқин ўтмишда халқимиз бошидан кечирган огир кунлар ёдга тушади...

Шунингдек, тадбирда туман «Маҳалла» жамоат фонди бош мутахассиси Саида Йўлдошева, «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зулфина Айтбоева, «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Равшан Эшматовлар сўзга чиқиб, совет замонидagi эркинликлар ҳақида гапириб, бугун мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларини фахр-ифтихор билан

таъкидлашди. Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикнинг қанчалар азиз ва улғу неъмат эканини эътироф этишди.

Эркин мавзуда буюмлар яшаш, тўқиш, тикиш ва расм чизиш каби мусобақалар тадбирнинг янада қизиқарли ўтишини таъминлади. Аёллар ва ёшлар ўртасида шахмат-шашка, мини-футбол, югуриш каби мусобақалари қизгин курашлар остида кечди. Ғолиблар ташкилотчилар ва ҳомийлар томонидан фавқий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Латифжон МАНСУРОВ

Ўзбекистон ХДП учун иқтисодий ислохотларда асосий сиёсий устувор вазифа кўпчилик аҳоли, аввало, унинг давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватла-нишга эҳтиёжманд қатламлари манфаатига йўналтирилган ижтимоий сиёсат юритиш орқали иқтисодий ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш ҳисобланади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастуридан.

Эътироф

Ўзбекистонга илгари ҳам келганман, бу сафар уни таниёлмай қолдим. Бекиёс ўзгаришлар нафақат шаҳар ва кишлоқлар қиёфасида, балки аҳоли фаровонлиги ошиб, барча соҳалар изчил ривожланаётганида ҳам яққол кўзга ташланади.

Ўзбекистон — ишлаб чиқариш соҳасида катта имкониятларга эга мамлакат. Президент Ислам Каримов раҳнамолигида иқтисодиётни эркинлаштириш, ишлаб чиқаришнинг янги тармоқларини ўзлаштириш борасида улкан ютуқлар қўлга киритилаётгани бугун дунё жамоатчилигига яхши маълум. Бу мамлакатингизда изчиллик билан, узоқни кўзлаб олиб борилаётган иқтисодий сиёсат нақадар тўғрилигининг амалдаги тасдиғидир.

Кристобаль КАПАРРОС, (Испания).

Мактаб ярмаркалари



Пойтахтимиздаги Республика болалар кутубхонасида Халқ таълими вазирлиги томонидан янги ўқув йилига тайёргарлик ишларининг бориши ва мактаб ярмаркаларининг ташкил этилишига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Италия: Кўппартия-вийликка асосланган тизим

жамиятнинг янада ривожланишига кенг йўл очади



Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

ТИНЧ ВА ОБОД ЮРТДА

бунёдкорлик, фаровонлик, қут-барака бўлади

Бугун юртимизнинг ҳар бир гўшасида бўй кўрсатиб турган озод ва обод Ватан манзаралари, одамлар юз-кўзидаги қувонч, аввало, истиқлол шарофатидандир. Шу боис халқимиз Мустақиллик байрамини ҳар йили энг улғу, энг азиз байрам сифатида ўзгача шукух, кўтаринки кайфият билан қўтиб олади. Ангрен шаҳридаги Ёшлар маркази мажлислар залига кириб борганимизда йиғилганлар чехрасида ана шундай қувонч ва хушқайфиятни кўрдик.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳамда Тошкент вилоят кенгаши ташаббуси билан қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!» шiori остида ўтказилган давра суҳбатида иштирокчилар истиқлол йилларида мамлакатимизда асрларга татигулик буюк ишлар амалга оширилгани, одамларнинг дунёқараши, ҳаётга, меҳнатга муносабати юксалиб бораётганини қайд этишди.

2 ➤

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

МАСЪУЛ РАҲБАРЛАР ДЕПУТАТЛАРНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРМОҚДА

Муаммолар эса ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда ҳал этилмоқда

■ Шу кунларда бошқа ҳудудларда бўлгани каби халқ депутатлари Сурхондарё вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳлари ҳам жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги бўйича ўз фаолияти натижаларини танқидий-таҳлилий нуқтаи назардан кўриб чиқмоқда. Амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, келгуси режалар белгилаб олинмоқда.

► Давоми 2-бетда.



ТИЛСИМ ТОҒ ХАЗИНАЛАРИ
Дехқонобод қалийли ўғитлар
заводи 5 ёшда



■ ЎзХДП ЖАМОАТЧИЛИК
ҚАБУЛХОНАЛАРИДА МУРОЖААТЛАР
ҚАНДАЙ ҲАЛ ҚИЛИНЯПТИ?

■ ҚОНУН ВА ШАРҚ

ЎЗ ИШНИ ИЙЎЛГА ҚЎЯМАН, ДЕГАН ОДАМГА ҲЕЧ ҚАНДАЙ ТЎСИҚ БЎЛМАЙДИ

Жорий йилнинг май ойида Президентимизнинг хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ривожини йўлидаги ғов ва тўсиқларни олиб ташлаш, бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, давлатнинг иқтисодиётдаги улушини стратегик асосланган даражага қадар қисқартириш ва рақобат муҳитини таъминлашга қаратилган муҳим Фармони қабул қилинди.

Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги мазкур Фармон мамлакатимизда хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги роли ва мавқеини тубдан ошириш, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини кўпайтириш учун зарур шарт-шароит яратишда долзарб аҳамият касб этмоқда.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун Президентимиз фармони асосида ишлаб чиқилган ва унда белгиланган мақсад-вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Мазкур қонун билан давлат рўйхатидан ўтказиш, бизнес юритиш тартиби, назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари билан ўзаро муносабатлардан тортиб то уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини

ҳимоя қилишга, шунингдек, жавобгарликни эркинлаштиришга қадар тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг деярли барча жиҳатларига оид қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Солиқ, Меҳнат, Фуқаролик, Фуқаролик процессуал, Ҳўжалик процессуал, Уй-жой ва Ер кодексларига, шунингдек, «Фермер ҳўжалиги тўғрисида»ги, «Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида»ги, «Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги, «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги ҳамда «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги каби қонунлар шулар жумласидандир.

Уларга қўра, микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер ҳўжаликлари фаолиятга оид барча текширувлар режали тарзда назорат органлари томонидан тўрт йилда бир мартадан кўп бўлмаган тартибда амалга оширилиши, молиявий-ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширувлар ўтказиш муддати 10 календар кундан ошмаслиги керак. Тадбиркорлик субъектларининг молиявий-ҳўжалик фаолиятини режали текширишлар фақат сўнгги текширувдан кейинги даврни қамраб оли-



Ў.А. Оганов, Ўзбекистон

ши ҳамда қўзғатилган жиноий ишлар муносабати билан ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ҳўжалик юритувчи субъект жалб этган адвокатлар иштирокида амалга оширилишининг белгилаб қўйилиши юртимизда бизнес муҳитини янада ривожлантиришга хизмат қилиши мумкин.

Шунингдек, қонунда тадбиркорлик фаолиятга тўсқинлик қилгани ва қонуний аралашгани учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш бўйича аниқ меъёрлар белгилаб қўйилди. Эндилкида бундай мансабдор шахслар ҳўжалик юритувчи

субъектлар молиявий-ҳўжалик фаолияти бўйича текширув ва тафтиш ўтказиш тартибини, давлат хизматлари кўрсатиш тартибини бузганлик, шунингдек, ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ва уларнинг банк ҳисоб варақлари бўйича амалиётларни қонуний тўхтатиб қўйганлик учун маъмурий жавобгар бўлиши.

Бундан ташқари, мансабдор шахслар тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган биналар ва бошқа иншоотларни шу мулкнинг бозор қиймати-ни қопламасдан бузиб ташлашга, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб варақларидаги мавжуд пул маблағлари тўғрисида ахборотни асоссиз равишда талаб қилганлик ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларни ҳайрия ишлари ва пул маблағлари ажратиш билан боғлиқ бошқа тадбирларга мажбурий жалб қилганлик учун ҳам маъмурий тарзда жавоб бериши белгиланди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига «Тадбиркорлик фаолиятга тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашуш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қилувиш бошқа жиноятлар» номли ўз ичига ўнга моддани олган янги XIII боб, бундан ташқари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга 11 моддадан иборат бўлган XVI бобнинг кирити-

лиши қонунчилигимизда муҳим янгилик бўлди.

Тадбиркорлик фаолияти эркинлигини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчиликни кўп мартаба бузган мансабдор шахсларга нисбатан жиноий жавобгарлик чоралари ҳам қўлланилади.

Қўрилиб турибдики, қонунчилигимизда ҳўжалик юритиш субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахл қиладиган барча ҳуқуқбузарликлар учун, жумладан, тадбиркорлик фаолиятга тўсқинлик қилганлик, қонуний аралашганлик учун жавобгарлигини кучайтирилиши хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг кафолатлари мустаҳкамланиши учун кенг йўл очди. Бу билан жойларда ишлаб чиқариш янада ривожланади, соҳалар тараққий этади ва янги иш ўринлари яратилади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур Қонун партияимиз Сайловдиди дастурида белгиланган қатор вазифалар амалга оширишга, ўз ишини йўлга қўйиш ниятидаги электротартиб вакилларининг интилишини янада кучайтиришга, янги иш ўринлари очилиши учун янада кенг шароит яратилишига хизмат қилади. Демак, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партияимиз гуруҳлари аъзолари билан ҳамкорликда мазкур қонун мазмун-моҳиятини кенг тушунириш бўйича тарғибот ишларини изчил йўлга қўйишимиз талаб этилади.

Қаҳрамон МИРЗАЕВ,
Фарҳод УМАРОВ
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари,
ЎзХДП фракцияси аъзолари.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

■ «БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!»

ТИНЧ ВА ОБОД ЮРТДА

бунёдкорлик, фаровонлик, қут-барака бўлади



Тошкент вилоят партия кенгаши раиси Сирожиiddин Аъзамов истиқлол йилларида эришилган ютуқлар замирида халқимизнинг ўзаро бирдамлиги, фидокорона меҳнати ётгани, юртимиздаги барча ислохотлар, янгиликлар ва демократик ўзгаришлар турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилганини таъкидлади.

— Мамлакатимиз бундан 24 йил олдин ўз мустақиллигини эълон қилиб, тарихий тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Алия Юнусова. — Ўтган давр мобайнида босиб ўтилган мураккаб, айни пайтда шарафли йўлга назар ташлар эканмиз, Ватанимиз озодлиги нақадар машаққатли ва тинимсиз курашлар, халқимизнинг қандай оғир ва фидокорона меҳнати эвазига қўлга киритилгани, мустақил тараққиётимиз давоми-

да амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар беихтиёр кўз ўнгимиздан ўтади. Одамларимиз «Мен Ватаним учун нима қилиб бердим?!», «Кеча ким эдигу бугун ким бўлди», деган масъулият ҳисси билан яшамокда, давлатимиз эса ҳар бир инсон манфаати энг олий қадрият, деган эзгу ғояга асосланиб иш юритмоқда. Бу, ўз навбатида, миллият қадр ва қаддини тикланишига хизмат қилаётди. Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, осуда ҳаётимизни кўз қорачигидек асрашимиз, шу ниятда тарғибот-тушунтириш ишларини янада кучайтиришимиз даркор.

— Тинчлик — тараққиёт ва фаровонлиқнинг муҳим омилли, — дейди сиёсий шарҳловчи Қобилбек Каримбеков. — Мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик барқарорлиги туфайли барча соҳаларда улкан ютуқ ва марраларга эришилмоқда. Тараққиётнинг «ўзбек модели» изчил амалга оширилаётгани самарасида мамлакатимиз

иқтисодиёти муттасил ўсиб бормокда. Худудларда катта ўзгаришлар бўляпти, рўзгорлар қут-баракага тўлмоқда. Мустақилликни асраш ва мустаҳкамлаш энг асосий вазифаларимиздандир. Зотан, бугун дунёда қарама-қаршилик ва тўқнашувлар тобора кучайиб бораётгани, турли давлатлар ва минтақаларда низо ва қелишмовчилик алангаланаётганини кўриб турибмиз. Хўшёр ва оғош яшашни ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Бу фарзандларимизнинг эртанги кунини учун, дорилмомон кунларини тўхфа этган мустақиллигимизни асраш ва мустаҳкамлаш учун муҳим аҳамиятга эга.

— Шар тонг фарзандларимиз, ўзимизнинг хотиржам уйғонишимиз тинчлик сабабдир, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фатхулла Маъсудов. — Тинчлик бўлмаган юртда фарзандлар юзидан қулгу бўлмайди, мактаблар очилмайди, одамлар ишга, бирон-бир жойга саломат бориб келолмайди. Бундай мамлакат парокан-

даликка юз тутайди. Шукрки, фарзандларимизни боқчага, мактабга хотиржам қўзғатяпмиз. Болалигимиз, ўша ўтган оғир кунларни яхши эслаيمان. Тўйиб гўшт емасдик. Бугун тўқинчилик, дастурхонимизда қут-барака. Ёшларга, фарзандларимизга истиқлолни кўз қорачигидек асрашни, Мустақиллик биз учун олий неъмат эканини янада чуқурроқ ҳис қилишни ўргатсак, унинг моҳиятини теран аңлатсак, юртимизда озодлик шукрки барқарор бўлади.

Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, осуда ҳаётимизни кўз қорачигидек асрашимиз, шу ниятда тарғибот-тушунтириш ишларини янада кучайтиришимиз даркор.

— Ғоят улкан табиий, минерал хомашё ва меҳнат ресурсларига, юксак салохиятга эга бўлишига қарамай, республикамиз собиқ иттифоқ даврида аҳоли турмуш даражаси, ижтимоий ва гуманитар соҳалар ривожини бўйича охириги ўринлардан бирда турганини ҳаммамиз яхши биламиз, — дейди ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлими мудири Алишер Равшанов. — Бундай шароитда иқтисодиётнинг ҳалокатли равишда инқирозга юз тутиши ва инфляциянинг ўта кескин даражада ўсиб

кетилишига чек қўйиш, ҳўжалик, ишлаб чиқариш ва молиявий алоқаларнинг бутунлай издан чиқилишининг олдини олиш, ишсизликнинг янада ортиб кетишига йўл қўймаслик фавқулодда долзарб масалалар эди. Ўзққни қўзлаб амалга оширилган ишлар ҳаётини самараларини берди. Тарихан қисқа даврда мамлакатимиз иқтисодиёти 5,5 баробардан кўпроқ ўсган, аҳолининг реал даромадлари жон бошига ҳисоблаганда қарийб 9 баробар ошгани, биз учун мутлақо янги бўлган автомобилсозлик, нефть ва газ кимёси, нефть-газ машинасозлиги, замонавий қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, машиини электроника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озик-овқат ва тўқимачилик саноати қадар соҳа ва тармоқларга асос солингани фикримизга мисол бўлади.

— Ҳар бир соҳадаги туб ўзгариш ва янгиликлар юртдошларимизнинг маънавиятидаги, тафаккурдаги янги ҳаёт қарашлар билан уйғун тарзда намоён бўлаётгани қувонarli, — дейди Ангрен кўмир саноати касб-хўнара коллежи ишлаб чиқариш таълими устаси Дилдора Файзуллаева. — Айниқса, ёшлар ҳуқуқий билимларни чуқур ўрганишга интиломоқда. Чунки юртимизда ҳар бир одам қонуний ҳуқуқларидан фойдаланиш имконига эга. Биз ўз халқига таянч бўла оладиган мустақил Ватанда яшайётган, мамлакатимиз гуллаб-яшнаётганидан бахтиёр ва соадатли авлодимиз. Ўз талғалар соҳамизда билим ва иқтисодиётимизни намоён этишни фарзандлик бурчимиз, деб биламиз.

Гулрух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

МАСЪУЛ РАҲБАРЛАР ДЕПУТАТЛАРНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРМОҚДА

Муаммолар эса ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда ҳал этилмоқда

Партия гуруҳларининг ташаббуси билан ўтган ярим йилда доимий комиссия ва сессияларда 4 масала кўриб чиқилди. Хусусан, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, ижтимоий кўмакка муҳтожларни қўллаб-қувватлаш, жойларда саноат ҳамда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш каби долзарб масалалар муҳокама этилди.

Албатта, бирон-бир масалани сессияга олиб чиқиш, тақдирлар киритиш ва ечимини топиш ўз-ўзиндан ва осонлик билан бўладиган жараён эмас. Бунинг учун соҳа ичига кириб бориш, одамларни ўйлантираётган масалаларга юзланиш ва изланиш талаб этилади. Чунки муаммонинг келиб чиқиш сабаби атрафлича аниқланмасдан туриб, масалани муҳокама этиб бўлмайди.

— Бугунги депутат ҳам, унга ишонч билдирган сайловчи ҳам келгидан кескин фарқ қилади, — дейди ЎзХДП вилоят кенгаши раиси, вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Чори Жумакулов. — Чунки аҳолининг тушуначиси, талаби охиб бораётгани ҳар бир депутатдан янада катта билим, ташаббус ва фаоллиқни тақозо этмоқда. Айтиш керакки, ўтган давр мобайнида тўпланган тажрибамиз натижасида фаолиятимизда ижобий бурилишлар кузатиляпти. Партия гуруҳларида муҳокамага қўйилаётган ҳар бир масаланинг илди-зига этиб боришга ҳаракат қилаяпмиз. Бу орқали бир эмас, бир нечта масалани ўрганишга ҳам тўғри келяпти.

Шуни ҳам айтиш керакки, депутатлик назорати давомида баъзан турли тўсиқлар учраб туради, эътироз ва аниқлашловчиликларга ҳам дуч келинади. Ўз ишнинг устаси бўлган, ҳуқуқ ва ваколатларидан унумли фойдалана оладиган депутат ёки партия гуруҳларини бундай ҳолатлар қўчимайдиган, албатта.

Халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи ташаббуси билан касб-хўнара коллежларида ўқувчиларнинг дарса қатнаши, ўқимоллаша шартнома шартларининг бажарилиши юзасидан назорат-таҳлил ишлари олиб борилди. Маълум бўлишича, ўтган йили шаҳардаги тиббиёт коллежини 600 нафар ўқувчи битирган. Уларнинг 97 фоизга яқини шартнома имзолагани, кейинчалик ишга жойлашгани ҳақида маълумот берилган. Аммо ўрганишлар баъзида айрим битирувчилар ҳозирга қадар ишга жойлаша олмагани маълум бўлган.

— Термиз шаҳридаги тиббиёт коллежини битирган ёшларнинг баъзилари фермер ҳўжаликлари билан номутахассис сифатида ўқимоллаша шартнома имзолаган, — дейди халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгаши депутати, ЎзХДП гуруҳи аъзоси Фаррух Абжалоов. — Ўрганиш давомида аниқланишича, айрим ҳолларда шартнома шунчаки расмийлаштирилган учун тузилган. Ҳолбуки, аслида шарт-

нома қилинган мутахассисларга ҳўжаликларда эҳтиёж бўлмаган.

Яна шу нарса маълум бўлдики, битирувчиларнинг аксарияти мутахассислиги бўйича фаолият юритмаяпти. Шу ўринда бир эмас, бир нечта саволлар туғилади. Шартнома нега бажарилмаган? Шартнома тузилди, деб ҳисобот бериш билан коллеж битирувчисининг тақдирини ҳал бўлиб қолмайди-ку? Афсуски, айрим мутасадди раҳбарлар бу саволларнинг жавоби ҳақида чуқур ўйлаб кўраётгани йўқ. Биз мазкур масала ечимини юзасидан тақдирлар ишлаб чиқиш жараёнида партияимизнинг дастурий мақсадларидан туриб ёндашмоқдамиз.

Жорий йилнинг 8 май куни халқ депутатлари Ўзун туман Кенгашидаги ЎзХДП партия гуруҳи йиғилишида «Туманда болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасида мавжуд ҚВПларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларни малакали мутахассислар билан таъминлаш тўғрисидаги» масала муҳокама этилди. Аниқланган камчиликлар юзасидан тақдирлар ўртага ташланди. Мазкур масала 9 июнда халқ депутатлари туман Кенгашининг тегишли доимий комиссияси йиғилишида кўриб чиқилиб, 18 июнда сессияга киритилди. Ўрганишлар давомида аниқланган ҳолатлар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари чуқур таҳлил этилди.

Муаммолар ечимига бевосита масъул раҳбарлар депутатларнинг саволларига жавоб беришди. Йўл қўйилган хато, эътиборсиз қолган камчиликларни бартараф этиш бўйича тақдирлар қўллаб-қувватланди. ҚВПларга тақрибли мутахассисларни кўпроқ жалб қилиш, доимий равишда уларнинг малакасини ошириб бориш борасида чора-тадбирлар белгиланди ва сессия қарори қабул қилинди.

Депутатларнинг таъкидлашича, ҳар бир йиғилиш, хоҳ у партия гуруҳининг муҳокамаси бўладими, хоҳ сессиями, жонли, очик мулоқотлар, аниқ савол-жавоблар ва тақдирларга бой тарзда ўтаётган. Аҳолини ўйлантираётган масалалар депутатлар, мутасаддилар томонидан очик ва ошқоралик тамойиллари асосан кўриб чиқилиши жойлардаги муаммолар ўз вақтида ҳал этилишида муҳим омил бўлмоқда.

Маҳаллий Кенгашларга партияимиздан сайланган депутатлар ташаббуси билан қатор масалалар бўйича доимий назорат ўрнатилган, мониторинг олиб бориляпти. Унинг натижалари аввал партия гуруҳи, сўнг доимий комиссия йиғилишларида кўриб чиқилмоқда.

Сессия қарори бажарилишини таъминлаш бўйича депутатлик ва жамоатчилик назорати ўрнатилгани мутасадди раҳбарларнинг масъулияти кучайишига, ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик ошишига хизмат қилмоқда.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.



■ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР ИМКОНИЯТИДАН ИЗЧИЛ ВА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНГАН ПАРТИЯГИНА АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШАДИ, ЭЛЕКТОРАТГА ЯҚИН БЎЛИБ, УНИНГ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ.



■ ЎЗБЕКИСТОН ХДП СУД-ҲУҚҚ СОҲАСИДА ФУҚАРОЛАР, АЙНИҚСА, АҲОЛИНИНГ КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ҚАТЛАМЛАРИНИНГ ЎЗ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ УЧУН СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ.

Сиёсий партия мукаммал шакланса, жамият ҳаётида ўз таъсир кучига эга бўлса, мамлакатга дахлдор стратегик масалаларни ҳал этишда иштирок этсагина, сайловчи ишончини қозона олади.

■ ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИ ВА ПАРЛАМЕНТЛАРИ

Италия:

Кўппартиявийликка асосланган тизим

жамиятнинг янада ривожланишига кенг йўл очади

■ Ривожланган демократик давлатлар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, мамлакатни изчил тараққий эттириш, ижтимоий барқарорликни таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришда сиёсий партиялар фаолиятига кенг ўрин берилганига гувоҳ бўламиз. Италиядаги сиёсий жараёнларни кузатар эканмиз, бу фикр яна бир ўз исботини тоғанини кўраемиз.

Италия қонунчилигида кўра, сиёсий партиялар фақат мамлакат ҳудудида ташкил этилади ва фаолият юритади. Ушбу давлат Конституциясида сиёсий партия — бу фуқароларнинг кўнгилли бирлашмаси бўлиб, демократия асосида миллий сиёсатни амалга оширишга кўмаклашади, дея белгиланган.

Умуман олганда, Италияда сиёсий партияларнинг пайдо бўлиши XIX асрнинг ўрталарига бориб тақалади. Дастлаб, 1849 йилда консерватизм ғояларини илгари сурган «Унг» ва 1861 йилда либерал қарашлар тарафдори «Сул» партия ташкил этилади. Дастлабки ўн беш йил давомида мамлакат сиёсий ҳаётида «Унг» партияси етакчилик қилади. 1876 йилга қадар барча парламент сайловларида мазкур партия ғолибликни қўлга киритиб келган. Аммо ўша йили муддатидан олдин ўтказилган парламент сайловида «Сул» партия парламентда кўпчилик ўринларини эгаллайди ва бу ҳукмронлик чорак аср давом этади. Бу икки сиёсий партия ўртасидаги кураш 1919 йилда якунланади. Биринчи жаҳон урушидан сўнг ушбу

партиялар ўзаро бирлашди. Бугун ҳам Италиядаги сиёсий партиялар ана шу икки партиянинг анъаналарини ўзида сақлаб қолган.

2013 йилдаги парламент сайловида 25 сиёсий партия иштирок этди. Бундан кўри-ниб турибдики, мамлакатда кўппартиявийликка кенг йўл очиб берилган. Умуман, Италияда 50 га яқин катта-кичик сиёсий партиялар фаолият кўрсатади. Бироқ мамлакатдаги йирик сиёсий партиялар парламентда мутлақ кўпчиликни ташкил эта олмаган. Шу боис улар парламентда коалиция тузишга мажбур бўлган. Италия қонунчилиги-га биноан фашистик ғоялар-ни тарғиб этувчи тузилмалар-ни ташкил этишга йўл қўйил-майди.

Бугунги кунда мамлакат-даги энг йирик сиёсий куч-лардан бири — Италия Де-мократик партияси ҳисобла-нади. Унинг сайлов жараён-ларидаги иштирокига эъти-бор қаратадиган бўлсак, 2008 йил муддатидан олдин бўлган парламент сайловида кўпи-палата учун 12 092 998, Се-натдаги ўринлар учун эса 11 042 325 овоз тўплайди. Шун-дай қилиб, мазкур сиёсий

партия парламент куйи пала-тасидаги 630 ўриндан 246, Сенатдаги 315 ўриндан 132 тасини қўлга киритди. Партия Сайловолди дастурида асо-сан кучли ижтимоий сиёсат-ни йўлга қўйиш, барқарор сиёсат олиб бориш ғоясини илгари суради.

Сўнгги 2013 йилдаги сай-ловлар натижасига кўра, партия «Умумий манфаат» коалициясини ташкил этади. 24-25 февраль кунлари ўтқа-зилган сайловда партия Де-путатлар палатаси учун сай-ловчиларнинг 25,42 фоиз овозини олиб, 292 ўринга эга бўлди. Сенат учун эса сай-ловчиларнинг 27,4 фоиз овоз-ини олиб, 105 та ўринни қўлга киритиб, шу орқали ўз

Партия Сайловолди дастурида асосан кучли ижтимоий сиёсатни йўлга қўйиш, барқарор сиёсат олиб бориш ғоясини илгари суради.

ғояларини ҳаётга татбиқ эта бошлайди.

2014 йил 13 февралда партия тизимда ислохотлар ўтказиш, унинг ғоя ва мафку-расини такомиллаштириш мақсадида янги етакчи сай-



ланади. Ўша йилнинг 22 фев-ралдан буён Маттео Ренци партияга етакчилик қилиб келмоқда.

Маттео Ренци партия раҳ-барлигига келгач, бир қанча ислохотларни амалга ошир-ди. У асосан қонунчиликка қатор ўзгаришлар киритиш-га ҳаракат қилди. Хусусан, сайловга оид янги қонун лойиҳасини тақдим этди. Уни коалиция тўлиқ қўллаб-қув-ватлади. Оппозициянинг қар-шилиги эса ҳеч нарса кел-тирмади. Қизгин давом этган курашлардан кейин 2015 йил-нинг 15 майида мамлакат президенти сайловга оид қонунни имзолади.

Бундан ташқари, Демократик партия тарафдорлари Италиянинг меҳнат қонунчи-лигига ҳам бир қатор ўзгар-тиш ва қўшимчалар киритиш тақлифини берди. Тахлилчи-лар томонидан мазкур қонун-лар мамлакат ҳаётида муҳим

ўрин тутиши тахмин қилин-моқда.

2015 йил 2 июнь ҳолатига кўра, Демократик партиянинг Депутатлар палатасидаги фракцияси аъзолари 309 на-фарни ташкил этиб, унга Ро-берто Сперанца раҳбарлик қилади. Сенатда эса Луижи Занза раҳбарлик қилувчи 113 кишидан иборат фракция фаолият юритмоқда.

2014 йил 25 майда Евро-парламентга бўлган сайлов-ларда мазкур партия Италия учун ажратилган 73 ўриндан 31 тасини эгаллашга муваф-фақ бўлди.

Демократик партиянинг ташкилий тузилишига эъти-бор қаратадиган бўлсак, унинг олий органи — Миллий Кенгаш ҳисобланади. Партия ҳаётига оид муҳим масала-лар айнан Миллий Кенгашда муҳокама этилади. Шунинг-дек, партиянинг ҳудудий бўлимлари ҳам мавжуд

бўлиб, вилоят, туман ва ки-чик ҳудудлар миқёсида фао-лият юритади.

Партияда ёшлар тузилма-си ташкил этилган. У «Ёш демократлар» деб номлана-ди. «Ёш демократлар» партиянинг барча даражада-ги тузилмаларида фаолият юритади.

Агар эътибор қаратилса, бугун дунёда сиёсий партия-ларнинг тузилиши бир-бири-га ўхшаб кетади. Аммо жа-мият ҳаётида уларнинг ўрни турличадир. Биз Италиядаги мазкур партия фаолияти би-лан танишиб, шундай хуло-сага келдик: сиёсий партия мукаммал шакланса, жамия-т ҳаётида ўз таъсир кучига эга бўлса, мамлакатга дахл-дор стратегик масалаларни ҳал этишда иштирок этсаги-на, сайловчи ишончини қозо-на олади.

Нурали ОРИПОВ

■ Жиззахда оила ва болаларнинг ҳуқуқлари ҳамда уларнинг қонуний манфаатларини муҳофа-за қилиш бўйича давлат сиёсатини амалга оши-ришда ижтимоий шериклик масалаларига бағиш-ланган тадбир бўлиб ўтди.

Ижтимоий шериклик самаралари

Республика болалар иж-тимоий мослашуви маркази томонидан ташкил этил-ган тадбирда болаларнинг ижтимоий ҳимоя ва ҳуқуқий кўмакка муҳтож тоифалари-га доимий ғамхўрлик кўрса-тиш Президентимиз раҳна-молигида амалга оширила-ётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан экани алоҳида таъкидланди.

Республика болалар иж-тимоий мослашуви маркази эҳтиёжманд болалар ва уларнинг оилаларига ман-зилли хизмат кўрсатиш, тиббий, педагогик, психо-логик кўмак бериш бораси-да самарали фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга манзилли ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида марказнинг Фарғона, Самарқанд, Қарши минтақавий филиал-лари ҳам ташкил этилган.

Ўзбекистон Республика-сининг «Ижтимоий шерик-лик тўғрисида»ги қонунда болаларни ижтимоий ҳимоя қилишда иштирок этувчи давлат ва жамоат ташкилот-лари ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари белгилан-ган бўлиб берилгани ижтимоий мос-лашув йўналишидаги фао-лиятни кучайтиришда янги имкониятлар яратмоқда. Тадбирда ушбу қонун иж-росини таъминлашда мар-каз билан шериклик қилув-чи ташкилотлар фаолияти кўламини янада кенгайти-риш масалалари муҳокама этилди.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири.

Тадбирда иштирок этган Жиззах, Самарқанд вилоят-лари ҳокимликлари қошида-ги воёга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари, ҳалқ таълими муассасалари, ички ишлар идоралари, «Маҳал-ла» хайрия жамоат фонди, «Оила» илмий-амалий мар-кази, болалар ижтимоий кўникмасига дахлдор бошқа ташкилот ва муассасалар вакиллари болаларга ман-зилли ижтимоий мослашув хизмати кўрсатишнинг дол-зарб масалалари, тажриба-лар, муаммолар юзасидан фикр-мулоҳаза алмашди.

— Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ва оилалар-ни манзилли қўллаб-қувват-лаш, бу ишга дахлдор муа-ссаса ва ташкилотлар ҳам-корлигини кенгайтириш фаолиятимизнинг асосий йўналишидир, — дейди Рес-публика болалар ижтимоий мослашуви маркази бўлим бошлиғи Юлдуз Умарбекова. — «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунда бел-гилан берилган ҳуқуқий асослар жамиятимиз кела-жаги бўлган болалар ижти-моий мослашуви хизмати самарадорлигини янада оширади. Бугунги тадбирда ушбу қонун асосида бола-лар ижтимоий мослашуви хизмати кўламини кенгайти-ришда ижтимоий шериклик-ни амалга ошириш бўйича янги, фойдали таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

■ РЕКЛАМА ЎРНИДА

«Капиталбанк» кредитлари

иш ўринлари яратилишига, аҳоли даромади ошишига хизмат қилмоқда

■ Мамлакатимизда банк-молия тизимининг такомиллашти-рилиши нафақат тижорат банклари ва миқозлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлайпти, балки одамларнинг тадбиркор-лик қобилияти юзага чиқиши, даромадлари кўпайиши, ижти-моий фаоллиги ошишида муҳим ўрин тутмоқда. «Капиталбанк» акциядорлик-тижорат банки фаолияти ҳам бунга ёрқин мисол бўла олади.



Хусусан, банк томонидан Президен-тимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувват-лаш борасидаги қўшимча чора-тадбир-лар тўғрисида»ги қарорига асосан жор-ий йилнинг ўтган ойлари давомида тадбиркор аёлларга жами 47209,6 мил-лион сўм миқдорда кредитлар ажра-тилди. Шунингдек, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 33561,9 миллион сўм, маҳаллий но-озик-овкат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлан-тиришга 44554,8 миллион сўм, озиқ-овкат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлди-риш юзасидан тадбиркорларга 20690,5 миллион сўм кредит берилган. Қола-верса, ушбу даврда оилавий тадбир-корлик ва ҳунармандчилик йўналишига

банк томонидан умумий миқдорда 1779,4 миллион сўм кредитлар йўналтирилган. Шу билан бирга, кол-леж битирувчиларига ҳам 1596,1 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилган.

Банк кредитлари орқали ўз бизне-сини йўлга қўйган, янги иш ўринлари ташкил этаётган миқозлар сони кўпаймоқда.

Абдурахмон Тожибоев,
«Masdar ishlab chiqarish savdo» масъулияти чекланган жамияти раҳбари:

— Корхонамиз нотўқима мато иш-лаб чиқармоқда. Қисқа вақт мобай-нида маҳсулотларимиз ички ва таш-қи бозорда ҳам ўз ўрнини топти. Та-лаб ортгани боис, кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирдик.

/// КАПИТАЛБАНК

Бунинг учун маблағ зарур эди. Шу боис АТБ «Капиталбанк» Наманган филиалига кредит олиш учун мурожаат этдик.

Тез фурсатда 40,0 миллион сўм миқ-дорда кредит олдик. Ушбу кредитга хомашё харид қилдик. Натижада корхо-наимизда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми икки баробарга ортди. Ҳозир 140,0 миллион сўмликдан кўпроқ маҳ-сулот ишлаб чиқариб, истеъмолчиларга етказиб бермоқдамиз. Энг қувонarli-си, ишлаб чиқарилган маҳсулотимизни хорижга экспорт қилишга эришдик. Фаолиятимиз кенгайиши туфайли 10 та янги иш ўрни ҳам яратилди. Амалга оширилган саъй-ҳаракатлар ҳамда банк кредитлари ҳисобига бугунги кунда кор-хонамиз тўла қувватда ишлаб, аҳолига ҳар хил турдаги нотўқима матоларни ет-казиб бермоқда.

Иля Чугриев,
«Omega building group» корхонаси раҳбари:

— Корхонамиз 2013 йилдан ўз фао-лиятини бошлаган. Барча турдаги иншо-от ва биноларни қуриш ва реконструк-ция қилиш билан шуғулланамиз. Иншо-от ва турли хил биноларни сифатли ва тез фурсатда қуриб фойдаланишга топ-ширганимиз учун корхонамизга қўллаб-мувожаатлар бўлмоқда. Шу боис иш кўламини янада кенгайтиришни ре-жалаштирдик. Мақсадимизни амал-га ошириш учун эса маблағ зарур эди. Ўзимиз миқоз бўлган АТБ «Ка-питалбанк» Мирзо Улуғбек филиа-лига мурожаат қилдик. Кредит шарт-лари мақсадимизга мос келди. На-тижада 328 миллион сўмлик кредит маблағи олдик. Унинг эвазига 2 дона замонавий махсус техника хар-ид қилдик. Қўшимча 2 та иш ўрни ташкил этилди.

Келажақда «Капиталбанк» билан алоқани янада мустаҳкамлаш, аҳолига кўрсатилаётган хизмат тур-ларини кенгайтириш, яна иш ўрин-лари яратиш ниятидамиз.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Хизматлар лицензияланган.



Катта пул

эвазига ов

қўриқхона учун фойда келтирадими ёки зарар?

Бир қарашда пул эвазига ов қўриқхона учун фойда келтира-ди, деб жавоб бериш мумкин. Бироқ вақт ўтиб, фойда ўринини зарар эгаллашини мутахассис-лар тушуниб етди. Шу боис ҳам Замбияда шер ва қоплонлар ови тақиқланди.



Мамлакатнинг туризм ишлари бўйича вазири баён қилишча, кат-та даромад келтирувчи миллий қўриқхоналарда йиртқич ҳайвонлар сони камайиб бормоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, қўриқ-хоналарда бойвачча сайёҳлар учун катта пул эвазига йиртқич ҳайвон-лар овига рухсат берилар, шу йўл билан қўриқхоналар йилга 3 мил-лион доллар даромад кўрарди. Аммо йиртқич ҳайвонлар сонининг камайиши уларнинг йўқ бўлиб кет-тиш хавфини юзага келтирди. Бу эса инсониятнинг тузатиб бўлмас хатоларидан бирига айланиши мумкин. Шу сабабли эндиликда сайёҳлар ҳайвонларни овламайди-лар, балки томоша қиладилар, хо-лос.

Бундай тақиқловлар Африка-нинг яна бир мамлакати — Кения қўриқхоналарида ҳам неча йил-лардан бери амалда қўлланмоқ-да.

Шакли бузилган, бироқ таркиби бузилмаган

Ўзимиз ҳам кўп гувоҳ бўла-миз: шакли бузилган сабзавот ёки мева-чевани чорвага бера-миз ёки чикинди сифатида таш-лаб юборилади. Ваҳоланки, бу турдаги мева-ю сабзавотлар қинғир-қийшқ бўлгани билан уларнинг таркиби ўзгармайдик-ку. Фойдалилик хусусияти ўша-ўша.



Британия муҳандис-механикла-ри жамияти экспертларининг ҳисоб-китоб таҳлиллари шундан далолат бермоқдаки, ҳар йили сай-ёрамизда етиштирилаётган ва иш-лаб чиқарилаётган озиқ-овкат маҳ-сулотларининг деярли 30-50 фои-зи, яъни 2 миллиард тоннага яқини чириб, йўқ бўлиб кетмоқда.

Таҳлилларга қараганда, бир неча омиллар исрофгарчиликнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда: ҳосилни йиғиштиришга куч етиш-маслиги; ҳосилни сифатли сақлаш учун шароитнинг йўқлиги; маҳсу-лотлар савдосида қатъий назорат-нинг сустиги ва истеъмолчилар-нинг исрофгарчилиги.

Мисол учун, Буюк Британияда ҳар йили 30 фоиз сабзавот ташқи кўриниши ёмон бўлгани учун дала-ларда ёки омборхоналарда қолди-рилади, натижада улар чириб ке-тади.

Таҳлил муаллифлари бу жара-ён яхшиликка олиб келмаслиги ва БМТ башоратларига кўра, 2075 йилда сайёрамиз аҳолиси сони яна 3 миллиард кишига кўпайи-шини назарда тутсак, ақл билан озиқланиш стратегиясига қатъий амал қилиш шартлиги ҳақида баён-от бердилар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 11 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийма-тини белгилади:*)

■ 1 Австралия доллари 1912,32
■ 1 Англия фунт стерлинги 4003,81
■ 1 Дания кронаси 380,03
■ 1 БАА дирҳами 703,86
■ 1 АҚШ доллари 2585,27
■ 1 Миср фунти 330,17
■ 1 Исландия кронаси 19,32

1912,32
4003,81
380,03
703,86
2585,27
330,17
19,32

■ 1 Канада доллари 1967,63
■ 1 Хитой юани 416,41
■ 1 Россия рубли 40,50
■ 1 Украина гривнаси 122,58
■ 1 Малайзия ринггити 628,50
■ 1 Польша злотийси 677,07
■ 1 СДР 3597,20

■ 1 Туркия лираси 929,52
■ 1 Швейцария франки 2630,51
■ 1 ЕВРО 2821,82
■ 10 Жанубий Корея вони 22,25
■ 10 Япония иенаси 207,85

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой туманида жойлашган муруват уйида кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Эски бино таъмирланиб, яна 50 ўринга мўлжалланган қўшимча янги бино қад ростлади. Ушбу иншоотнинг замонавий қиёфаси, унда яратилган қулай ва кўркем шароит кўзни қувонтиради.

ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ — УЛУҒ

— Жами 210 нафар фуқарони қабул қилиш имкониятига эга муруват уйидаги хоналар замонавий жиҳозлар билан таъминланган, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Чимбой туман бўлими раиси Бахтли Абдуллаев. — Бу ерда яшовчи одамларга дам олишни, соғлигини мустаҳкамлашни, спорт билан шуғулланишни, сайрга чиқишни учун барча шарт-шароитлар яратилди.

Множотдин ҚУТЛИМУРАТОВ

БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

Мактаб ярмаркалари

Пойтахтимиздаги Республика болалар кутубхонасида Халқ таълими вазирлиги томонидан янги ўқув йилига тайёргарлик ишларининг бориши ва мактаб ярмаркаларининг ташкил этилишига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

— 2015-2016 ўқув йилида мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларининг 1-синфига 631 минг нафар ўқувчи қабул қилинади, — дейди Халқ таълими вазири Улуғбек Иноятов. — Шу кунгача уларга 12 номдаги ўқув қуролларидан иборат «Президент совғаси» тайёрланиб, умумтаълим мактабларига етказилди. Улар «Билимлар кўни» тадбирларида ўқувчиларга тантанали равишда топширилади. Шунингдек, мактаб ярмаркаларининг 970 таси умумтаълим мактабларида, 232 таси академик лицей ва касб-хунар коллежларида, 398 таси аҳоли гавжум бўлган бозорларда, 276 таси йирик савдо мажмуаларида ташкил этилади. Олис ва бориш қийин бўлган тоғли



Владимир ГРАНКИН олган сурат.

ҳамда чўл ҳудудларга 98 та кўчма автодўконлар хизмат кўрсатади. Ўтказиладиган мактаб ярмаркаларида арзон нархларда 26 турдаги зарурий ўқув қуроллари ва жиҳозлари сотуви йўлга қўйилди. Аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида тўлов терминаллари ўрнатилиши белгиланди.

Тадбирда таъкидланганидек, янги ўқув йилида ўқувчиларни дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилган. Жумладан, янги ўқув йили учун 454 номдаги 25,7 миллион нуска дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар чоп этилиб, жойларга етказилди. Шу билан бирга, жорий йилда 1-синфга қабул қилинадиган ўқувчилар учун жами

Янги ўқув йили учун 454 номдаги 25,7 миллион нуска дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар чоп этилиб, жойларга етказилди.

641,3 минг нуска чет тили дарсликлари, 2-синфларга 591,9 минг нускада, 3-синфлар учун эса 593 минг нуска дарсликлар ва машқ дафтарлари тайёрланди. Шунингдек,

жами 62,6 минг нуска методик қўлланма ва мультимедиа иловалари тайёрланиб, мактабларга етказиб берилди.

Бугунги кунда Халқ таълими вазирлиги томонидан синфдан ташқари кутубхона фондидини бойитиш йўлида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, жорий йилда умумтаълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчилари учун жами 5,7 миллиард сўмлик лотин графикаси асосида 27 номдаги 847 293 нуска адабиёт етказилди.

Ўтган ўқув йилида илк марта бошланғич синф ўқувчилари учун илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялар асосида ўқитиш йўлга қўйилди. 2015-2016 ўқув йилида 3-синфларда чет тилини ўтилиши

муносабати билан чет тили ўқитувчиларига бўлган қўшимча 2217 ставка эҳтиёж олий таълим муассасаларини битирган ёш мутахассисларни ишга қабул қилиш ҳисобидан қопланди. Бундан ташқари, жорий йилда умумтаълим мактабларининг чет тили ўқитувчилари ўртасида «Йилнинг энг яхши инглиз тили ўқитувчиси» курик-танлови ўтказилди. Унда голибликни қўлга киритган 40 нафар ўқитувчи малака ошириш учун Буюк Британияга юборилди.

Мазкур тадбир доирасида пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 64-умумтаълим мактабда намунавий мактаб ярмаркаси ташкил этилиб, ўқув қуроллари, дарсликлар, кийим-кечаклар, пойабзаллар кўргазмаси ОАВ ходимлари ва жамоатчиликка намойиш этилди.

— Мактаб ярмаркалари ота-оналарга катта қулайликлар яратиб бермоқда, — дейди ўшбу мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Гулнора Нуриллаева. — Бугунги ярмаркамизга ҳам асосий маҳсулотларни мутасаддиф компания ва ташкилотлар етказиб берди. Уларнинг арзон нархларда эканлигидан барча мамнун бўлмоқда.

— Набираларимга ўқув қуроллари сотиб олиш учун келдим, — дейди Муқаддас Ташанова. — Сотувдаги маҳсулотлардан кўнглим тўлди.

Абдусалим МАХМУДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

СПОРТ

Босния ва Герцеговинанинг Сараево шаҳрида дзюдо бўйича кадетлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 1 та олтин ва 2 та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 8-ўринни эгаллади. Эслатиб ўтамиз, мусобақада 59 мамлакатдан келган спортчилар иштирок этди.

Ёш ўзбек

дзюдочилари

халқаро мусобақада муваффақиятли иштирок этди

Хамюртимиз Дияра Келдиёрова (-48 кг) олтин медаль соҳиби бўлди.

Ўсмирлар ўртасида ўтказилган бахсларда Жасур Содиков (-73 кг) ва Шерхон Турабоев (-81 кг) бронза медалларини қўлга киритди.

Эркин ва юнон-рум кураши бўйича

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси жаҳон чемпионатида иштирок этиш учун Бразилияга жўнаб кетди

Эркин ва юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Бразилиянинг Сальвадор шаҳрида 11-16 август кунлари бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида иштирок этади. Нуфузли мусобақага тайёргарлик жараёни Тошкентдаги «Динамо» жисмоний тарбия-спорт жамоати базасида олиб борилди.

Мураббийлар жаҳон чемпионатида иштирок этиш учун қўйидаги спортчиларни танлаб олди:

Эркин кураш: Ҳожиакбар Ўткиров (50 кг), Давлатбек Исмаилов (60 кг), Сирожиiddин Хасанов (66 кг).

Юнон-рум кураши: 50 кг: Жавоҳир Мираҳмедов (50 кг), Исроҳ Баҳромов (55 кг), Камариддин Зайниддинов (60 кг), Арам Варданян (66 кг).

Шоҳбоз САИДОВ тайёрлади.

ТАДБИР

Боғлар — дам олиш ва маърифат маскани

Қарши шаҳридаги Алишер Навоий номи маданият ва истироҳат боғида соҳа мутасаддилари учун Республика семинари ўтказилди.

Ҳозирги кунда республикада 148 маданият ва истироҳат боғи бор. Уларнинг 83 таси капитал ва жорий таъмирдан чиқарилди ҳамда янгидан ишга туширилди.

Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази томонидан ташкил этилган семинарнинг биринчи босқичи Фарғона шаҳридаги Аҳмад ал-Фарғоний номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган бўлса, бу галги тадбир Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё вилоят маданият ва истироҳат боғлари раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтди. Боғлардаги аттракцион-

ларнинг техник ҳолати, бадийи безатиш, ободонлаштириш ва кўчаламзорлаштириш ишларини олиб бориш, ижодий тўғрақлар, тиббиёт, маънавият-тарғибот хоналарини ташкил этиш, шунингдек, тадбиркор ва ҳомийлар маблағларини жалб қилиш каби масалалар юзасидан ўзаро фикр ва тажриба алмашилди.

Семинар иштирокчилари истиқлол йилларида Қашқадарё вилоятда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди. Тадбир якунида тақлифлар асосида келгуси режалар белгилан олдинди.

Назозат АҲМЕДОВА, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази бўлим мудир.

РЕКЛАМА

Барча юридик ва жисмоний шахслар, хорижий сармоядорлар диққатига!

«Aviasozlar dehqon bozori» АЖ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги 2340-сон қарори 2-иловасига мувофиқ, қўшимча эмиссия акцияларининг биржадан ташқари ОЧИҚ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Акциялар «EL SIS SAVDO» АЖнинг биржадан ташқари очик савдолари орқали бир донаси 14 500 сўмдан сотувга қўйилган.

Сотувга қўйилган акцияларнинг жами сони 666 004 дона ташкил этмоқда.

ШОШИЛИНГ, ИМКОНИЯТИНГИЗНИ ҚўЛДАН БОЙ БЕРМАНГ!

Мурожаат учун телефонлар:

«EL SIS SAVDO» АЖ (+99871) 236-21-82,

e-mail: elsavdo@mail.ru

«AVIASOZLAR DEHQON BOZORI» АЖ (+99871) 297-67-29,

e-mail: aviasozlar-db@mail.ru

РЕКЛАМА

AVTOSALON
«SARDOR AVTO INVEST»

ZAZ

LADA

CHEVROLET

UAZ

Тўлов тури: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ ЎТҚАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ

Манзил: Тошкент ш., Усмон Носир кўчаси, 113-уй. Мўлжал: Жанубий вокзал.
Тел.: (99871) 215-09-11; 250-23-93; (99891) 162-99-99; (99895) 177-01-17;
(99871) 140-41-21; (99895) 199-82-92; (99891) 191-19-49; (99890) 932-33-38
www.sardor-avto.uz МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Ulug'bek

MUSTAFOYEV

Muslihidin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan

2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxonaga manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va

shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini

ko'chirib bosish faqat tahririyat

ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 859

10987

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 22.00

Topshirilgan vaqt — 23.15

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Abdusalim MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433

4772010743006

1 2 3 4 6